

Ўзбекистон ва Германия Президентлари ўзбек халқининг маданий-тарихий меросига бағишланган ноёб кўргазмани очиб бердилар



Германияга ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер Берлин шаҳридаги жаҳонга машҳур Жеймс Симон галереясида “Ўзбекистоннинг археологик хазиналари. Македониялик Искандардан Кушонлар салтанатигача” номли ноёб кўргазмани очдилар.

Давлатимиз раҳбари очилиш маросимида икки мамлакатда халқларимизнинг бой маданий мероси ва бугунги ютуқларига қизиқиш ортиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистонда Гёте, Гейне, Шиллер, Томас Манн, Ремарк ва кўплаб бошқа адибларнинг ўлмас ижодини, Бах, Бетховен, Штраус, Вагнернинг ажойиб мусиқасини яхши билишади ва қадрлашади.

Худудидан Европага элтувчи қадимги карвон йўллари ўтган Ўзбекистоннинг тарихи билан Германия жамоатчилиги яхши таниш.

Асрлар давомида Буюк Ипак йўли савдо, фан, маданият ва санъат ривожига улкан ҳисса қўшиб келган, маданиятлараро мулоқотга, маънавий қадриятлар алмашинувига, прогрессив ғоялар шаклланишига, интеграция ва ҳамкорликка, тинчлик ва бунёдкорликка, бағрикенглик ва тотувликка хизмат қилган.

Буюк шоир Гёте ўзининг “Ғарбий-шарқий девон” шеърий тўпламида кўхна Самарқанд ва Бухоро гўзаллигини тараннум этган бўлса, атоқли бастакор Гендель “Темур” операсини яратган.

Кўргазманинг очилиши Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги маданий алоқаларда диққатга сазовор воқеа бўлди. Унинг ўтказилиши ҳақида Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер

Штайнмайернинг 2019 йил майдаги Ўзбекистонга ташрифи чоғида келишилган эди.

Қарийб тўрт йил давомида икки мамлакат археологлари, тарихчилари, санъатшунослари ва музей ходимлари тадбирни ташкиллаштириш устида фидокорона меҳнат қилди. Германиялик мутахассислар иштирокида 50 га яқин энг қимматли осори-атиқалар реставрация қилинди.

2024 йил 14 январь кунига қадар давом этадиган кўргазмада Берлин давлат музейлари тўпламларидан 65 та ва Ўзбекистон музейлари тўпламларидан 285 та экспонат намойишга қўйилган. Уларнинг кўпи мамлакатимиз ташқарисида илк бор кўрсатилмоқда.

Кўргазма мамлакатимизнинг қадимий ва бой маданияти, бугунги Ўзбекистон ва Марказий Осиё ҳудудида жойлашган илк давлатларнинг милоддан аввалги VI асрдан милодий IV асргача даврни камраб олган тарихи ҳақида сўзлайди.

Бу ердаги дурдоналар орасида Кушон салтанатининг Далварзинтепа ва Ҳолчаён қўрғонларидан топилган аслзодалар, аскар ва бадавлат аёллар ҳайкаллари бор.

Ушбу бетакрор экспозиция ташриф буюрувчиларга Ўзбекистон тарихи билан танишиш, халқимиз мероси тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Тадбир Ўзбекистон ва Германия халқларининг янада яқинлашиши ва бир-бирини англашига, мамлакатларимиз ўртасидаги кенг мулоқот ва кўп қиррали ҳамкорликнинг ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Германияга ташрифи муносабати билан икки мамлакат делегациялари аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари иштирокида қабул маросими бўлиб ўтди.





Манба